

Дунёдан зуҳд қилиш (29-тавсия)



15:49 / 23.03.2017 5372

Абул Аббос Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, менга шундай бир амални кўрсатингки, агар уни қилсам, мени Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам яхши кўрсин», деди. Шунда у зот: «Дунё (матохлари)дан зуҳд қилгин, шунда Аллоҳ сени яхши кўради. Одамларнинг қўлидаги нарсалардан зуҳд қилгин, шунда улар сени яхши кўришади», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Изоҳ: «Зуҳд» сўзи аслида «оз нарса» маъносини билдиради. Зуҳд хоҳиш-истакнинг зиддир. У бир нарсани тарк қилиш, ундан юз ўгиришни англатади. Уламолар истилоҳида «зуҳд» сўзи дунё, мол-мулк, обрў ва мансабдан юз ўгиришни билдиради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зуҳдлари

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўйранинг устида ухлаган эдилар, турганларида ёнбошларига (бўйранинг) изи тушиб қолибди. Шунда биз: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сизга юмшоқ тўшак

олсак-чи?», дедик. Шунда у зот: «Дунё билан ишим йўқ. Мен дунёда худди дарахтнинг соясида (бироз) дам олиб, сўнг уни (дарахни) ортида қолдириб, жўнаб кетган одамга ўхшайман», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Изоҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини жазирама иссиқда уловда кетаётиб, чарчоқ силласини қуритганда бир дарахтнинг соясида тўхтаб, озроқ дам олиб, куч йиғиб, сўнг яна кўзлаган мақсади сари йўлида давом этган мусофирга ўхшатмоқдалар.

Озига қаноат қилиш

Убайдуллоҳ ибн Миҳсан розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир одам ўзи хотиржам, тани соғ ҳолатда тонг оттирса, ҳузурида бир кунлик егулик-ичгулиги ҳам бўлса, унга дунёнинг ҳаммаси берилгандек бўлибди», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг қўлидаги нарсаларга кўз тикма. Таъмадан эҳтиёт бўл, чунки у фақирлик келтиради. Узр сўраладиган нарсалардан эҳтиёт бўл», дедилар».

Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилишган. Лафз Байҳақийники.

Изоҳ: «Узр сўраладиган нарсалар» узр сўрашга сабабчи бўладиган ножўя гап-сўз ва амаллардир.

Ушбу ҳадислардан олинadиган фойдалар:

1. Аллоҳ таоло дунё матоҳлари ва зебу зийнатларидан зуҳд қилган одамни яхши кўради.
2. Одамларнинг қўлидаги нарсага кўз тикмай, зуҳд қилган кишини ҳамма яхши кўради.
3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дунёда уловда кетаётиб, чарчаб, дарахтнинг соясида бир оз дам олиб, яна кўзлаган мақсади сари йўлида давом этган мусофир каби яшаб ўтганлар.

4. Хотиржам, тани соғ тонг оттириб, бир кунлик егулик-ичкилиги бўлган одамга дунёнинг ҳаммаси берилгандек бўлади.
5. Бировнинг мол-мулкига кўз тикиб, таъма қилиш фақирлик, камбағаллик келтиради.
6. Узр сўрашга сабабчи бўладиган хатти-ҳаракатлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.